



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 29 » sentabr

№ 517

Toshkent sh.

### “Яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Аҳолининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ушбу қурилмаларни сотиб олиш учун ажратиладиган “яшил” истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб берилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Энергетика вазирлиги ҳамда Икътисодиёт ва молия вазирлигининг “яшил” истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси ҳисобидан компенсация ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.**

2. Белгилансинки:

“яшил” истеъмол кредити қуёш фотоэлектр станцияси, қуёш сув иситкичлари ва шамол электр станцияларини ўрнатиш мақсадлари учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратилади;

қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **500 бараваридан** ҳамда фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг **1,5 бараваридан ошмаган** “яшил” истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ **5 фоизли банддан кўп бўлмаган қисмини қоплаб бериш учун уч йил муддатгача компенсация тўлаб берилади.**

3. Кўйидагиларни назарда тутувчи “яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

“яшил” истеъмол кредитлари бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси ҳисобидан **компенсация ажратиш**;

компенсация ажратиш шартлари ва миқдорлари;

компенсация маблағларининг ҳисобини юритиш тартиби.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараво энергияни тежаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 9 октябрдаги 640-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Марказий банк ва тижорат банклари билан биргаликда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иктиносидёт ва молия вазири Ж.А.Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Ж.Т.Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 29 сентябрдаги 517 – сон қарорига  
1-илова

**“Яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг  
бир қисмини қоплаб бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) томонидан жисмоний шахсларга тижорат асосида ажратилган “яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш учун компенсация ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:  
**жисмоний шахс** – тижорат банкига “яшил” истеъмол кредитини олиш учун ариза тақдим этган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;

**компенсация** – тижорат асосида ажратилган “яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Жамғарма томонидан тижорат банкининг тегишли хисобварағига ўтказиладиган маблағ;

**“яшил” истеъмол кредити** – қуёш фотоэлектр станцияси, қуёш сув иситкичлари ва шамол электр станцияларини ўрнатиш мақсадлари учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратиладиган кредит.

3. Компенсация ажратиш учун ушбу Низомга мувофиқ Жамғарма ва тижорат банки ўртасида келишув (кейинги ўринларда – келишув) тузилади.

4. Тижорат банки келишувни тузиш учун банкнинг тегишли бошқарув органи томонидан тасдиқланган битим тузиш тўғрисидаги қарор ёки келишув тузиш ваколатини берувчи бошқа ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда Жамғармага мурожаат қиласи.

5. Компенсация Жамғарма томонидан тижорат банкига ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

**2-боб. Компенсация ажратиш шартлари**

6. Жамғарма томонидан қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараваридан ҳамда фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган “яшил” истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 5 фоизли банддан кўп бўлмаган қисмини қоплаб бериш учун уч йил муддатгача компенсация ажратилади.

7. Жамғармадан компенсация ажратилган “яшил” истеъмол кредитини олган жисмоний шахснинг янги “яшил” истеъмол кредити бўйича қўйидаги ҳолларда такроран компенсация ажратилиши мумкин:

амалдаги кредит шартномаси бўйича кредит қарздорлиги тўлиқ қайтаришганда;

“яшил” истеъмол кредитини ажратиш тўғрисидаги шартнома бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда;

Жамғарма томонидан компенсация ажратишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганда.

8. Жамғармадан молиявий ёрдам олган жисмоний шахслар Жамғарманинг буюртмасида қарз олувчи сифатида кўрсатилган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) бўйича аникланди.

9. Жамғарманинг “яшил” истеъмол кредитлари бўйича компенсация харажатлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

10. Жамғарма томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдоридан келиб чиқиб, молия йили давомида компенсация ажратиш миқдорлари белгиланади ва чораклар кесимида тақсимланади.

Бунда самарадорлик кўрсаткичлари ва таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб, компенсация миқдорлари камайтирилиши ёки тўхтатилиши, шунингдек, компенсация ажратиш параметрлари ҳамда қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

11. “Яшил” истеъмол кредити шартномалари бўйича кредитни қайтариш жадвалига ўзгартириш киритилганда, амалдаги кредит шартномаси шартлари мутаносиб равишда ўзгартирилади.

Бунда компенсация миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, кредит муддатига мос равишда тўлаб борилади.

12. Компенсация мурожаат санасида тижорат банкларининг скоринг тизимидан ижобий хулоса олган, кредитлар ва солиқлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган жисмоний шахсларнинг “яшил” истеъмол кредитлари бўйича ажратилади.

13. Кредит берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қарз олувчининг тижорат банки ҳудудий филиалига ариза билан мурожаат қилиши компенсация ташаббусига асос ҳисобланади.

14. Тижорат банки ёки унинг ҳудудий филиали “яшил” истеъмол кредити ажратиш тўғрисидаги ижобий хулоса қабул қилгандан сўнг компенсация ажратиш шартларига мос келиши ўрганилади.

Тижорат банки томонидан жисмоний шахсга “яшил” истеъмол кредити ва компенсация ажратиш шартлари бўйича ижобий қарор қабул қилингандан сўнг ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган шартларда компенсация ажратилади.

15. Тижорат банки бош офиси кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган жисмоний шахсларга компенсация бериш тўғрисидаги буюртма билан ҳар ойда кейинги ойнинг 10-санасига қадар Жамғармага мурожаат қиласи ва қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда компенсация ажратиш тўғрисида буюртма;

“яшил” истеъмол кредитлари ажратилган жисмоний шахсларнинг рўйхати (кредит олувчининг Ф.И.О., ЖШШИР, кредит суммаси, кредит муддати, фоиз ставкаси, кредит мақсади, кредит берилган сана, кредитни қайтариш санаси, 16325 ҳисобварағидаги ҳисобланган фоизлар ва бошқа маълумотлар).

Жамғарма буюртмани кўриб чиқиши жараёнида тижорат банкидан кўшимча маълумот ва хужжатларни талаб қилишга хақли.

16. Буюртмада ва жисмоний шахсларнинг рўйхатида қўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тижорат банкининг уни имзолаган мансабдор шахси жавобгар ҳисобланади.

17. Жамғармага нотўғри ва/ёки ҳақиқий бўлмаган маълумотларнинг тақдим қилиниши, ушбу маълумотлар асосида компенсация олганлик учун, шунингдек, тижорат банки ва қарз олувчи томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги учун Жамғарма жавобгар ҳисобланмайди.

18. Буюртма ва унга илова қилинган хужжатлар Жамғармага тушган санадан бошлаб икки иш куни ичида Жамғарма томонидан кўриб чиқилади ҳамда мазкур Низомда белгиланган талблардан келиб чиқиб, компенсация ажратиш ёки компенсация ажратишни рад этиш тўғрисида маълумотнома расмийлаштирилади.

Рад этилган буюртма тижорат банкига бир иш кунида компенсация ажратишни рад этиш сабаблари кўрсатган ҳолда қайтарилади.

Жамғарма томонидан компенсация ажратилиши рад этилганлиги тўғрисидаги буюртмани олган тижорат банки бир иш куни ичида бу ҳақда худудий филиалини хабардор қиласи.

19. Жамғарма компенсация ажратиш рад этилмаган буюртма кўриб чиқилгандан сўнг уч иш куни ичида тижорат банкига ушбу буюртма бўйича компенсацияни алоҳида очилган ҳисобвараққа ўтказиб беради.

20. Тижорат банки компенсация ажратилиши тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг уч иш куни ичида:

тижорат банки ёки унинг худудий филиали компенсация ажратилиши тўғрисида қарз олувчини хабардор қиласи;

тижорат банки ёки унинг худудий филиали ва қарз олувчи ўртасида имзоланадиган “яшил” истеъмол кредити шартномасида компенсация ажратилиши Жамғарма томонидан маъқулланганда, компенсация ажратилиши назарда тутилган бўлиши лозим.

21. “Яшил” истеъмол кредити шартномасида Жамғарма томонидан ажратиладиган компенсациянинг миқдори кўрсатилади.

22. Жамғарма маблағлардан фойдаланилиши юзасидан мониторинг юритади ҳамда мониторинг натижасида аниқланган ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради.

Жамғарма томонидан компенсациянинг мақсадли сарфланиши юзасидан мониторинг юритиш даврида тижорат банки ва қарз оловчи ўртасида тузилган кредит шартномаси ва кредитни қайтариш жадвали талаб қилиб олиниши мумкин.

### **3-боб. Компенсацияларнинг ҳисобини юритиш**

23. Тижорат банки компенсация шартномаларига асосан ҳисобланган ва Жамғарма томонидан компенсация ажратилган фоиз тўловларининг ҳисобини алоҳида 16325 баланс ҳисобварақларида юритади.

24. Жамғарма компенсацияси банк рўйхати асосида бир қанча кредит шартномалари бўйича банкнинг 29801 транзит ҳисобварағига ўтказилади.

Бунда 29801 транзит ҳисобварағига тушган маблағлар банкнинг жамғарма компенсациялари ҳисобидан қопланадиган ҳисобланган фоизларни олиш 16300 ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

25. Қарз оловчилар кредитни муддати ўтганидан сўнг қайтарган ҳолатларда, ажратиладиган компенсация суммаси тасдиқланган қайтариш жадвалида қайд этилган суммадан ошмаслиги лозим.

26. Жамғарма тижорат банкларининг кредитлари бўйича компенсация ажратишни қуидаги ҳолатларда тўхтатади:

фоиз тўловлари компенсация қилинадиган кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда;

қарз оловчи тўловлар жадвалига мувофиқ банкка тўловларни тўлаш мажбуриятларини уч ой ичида кетма-кет бажармагандан;

қарз оловчидан кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар муддатидан олдин ундирилганда;

тижорат банки ва қарз оловчи ўртасида кредит шартномаси бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда;

қарз оловчининг банк ҳисобварағидаги маблағлари хатловга олинганда;

қарз оловчининг ва/ёки тижорат банкининг тақдим этган хужжатларида ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланганда.

27. Тижорат банки белгиланган тартибда қарз оловчининг “яшил” истеъмол кредити ҳисобидан олинган ускуналарнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида жойига чиқкан ҳолда мониторинг олиб бориши мумкин.

28. Тижорат банки мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жамғармани компенсация ажратишни тўхтатиш учун иш куни ичида хабардор қиласди.

29. Жамғарма тижорат банкидан хабарномани олгандан сўнг уч иш куни ичида компенсация ажратишни тўхтатиши тўғрисида қарор қабул қиласди ва тўхтатиш сабаблари кўрсатилган ёзма хабарномани тижорат банкига юборади.

30. Мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган ҳолатларга кўра тўхтатиш сабаблари бартараф этилгач, қарз олувчининг кредити бўйича компенсация ажратишни қайта тиклашга рухсат этилади.

31. Қарз олувчига фоиз тўловларининг бир қисмини компенсация қилишни тўхтатиш ҳақидаги қарор Жамғарма томонидан қабул қилинади. Компенсация ажратишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганда, Жамғарма қонунчилик хужжатлари ва шартнома шартларига мувофиқ компенсация ажратиш тўғрисидаги шартномани бир томонлама тартибда бекор қиласди ва бу ҳақда тижорат банкини хабардор қиласди.

Жамғарма белгиланган тартибда Жамғармага маблағлар тушиши ва уларнинг сарфланишини ҳисобга олади ҳамда улар бўйича ҳисобот тузади.

33. Тижорат банки ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар Жамғармага унинг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

34. Жамғарма ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига компенсация ажратиш учун сарфланган маблағлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

35. Ушбу Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Яшил” истеъмол кредити бўйича  
фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари  
Тармоқлараро энергия тежаш жамғармаси ҳисобидан “яшил” истеъмол кредити бўйича  
фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб бериш учун компенсация ажратиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Карз олувчи	Қарз олувчи тижорат банки ёки унинг худудий филиалига тижорат асосида “яшил” истеъмол кредити ажратиш тўғрисида мурожаат қиласди.	Заруратга кўра
2-босқич	Тижорат банки ёки унинг худудий филиали	Қарз олувчига “яшил” истеъмол кредити ажратиш тўғрисида қарз олувчилар бўйича компенсация тўғрисидаги буюртманомани тасдиқлаб, тижорат банкига тақдим этади ҳамда бу ҳақда қарз олувчини хабардор қиласди.	2 иш куни ичида
3-босқич	Тижорат банки	Тижорат асосида ажратилган “яшил” истеъмол кредити фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун компенсация ажратиш бўйича буюртма ҳамда “яшил” истеъмол кредитлари ажратилган жисмоний шахсларнинг рўйхатини Жамғармага тақдим этади.	Ҳар ойнинг 10 санасига қадар
4-босқич	Жамғарма, тижорат банки ёки унинг худудий филиали	1. Жамғарма тижорат банки томонидан юборилган буюртма ва тегишли ҳужжатларни кўриб чиқади ҳамда компенсация ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида хулоса расмийлаштирилади.	2 иш куни ичида

		<p>2. Жамғарма томонидан рад этилган буюртма тижорат банкига рад этиш сабаблари күрсатилган ҳолда хат орқали юборилади.</p> <p>3. Тижорат банки ёки унинг худудий филиали қарз олувчига компенсация ажратилиши түғрисида хат орқали хабардор қиласди.</p>	1 иш куни ичида
5-босқич	Жамғарма	Компенсация ажратиш рад этилмаган буюртмалар бўйича маблағларни тижорат банкининг алоҳида очилган ҳисобварагига ўтказиб беради.	1 иш куни ичида

“Яшил” истеъмол кредити бўйича  
фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаб  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан  
ташқари Тармоқлараво энергияни тежаш жамгармаси ҳисобидан  
“яшил” истеъмол кредити бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини  
қоплаб бериш учун компенсация олиш тўғрисида  
**БУЮРТМА**

20\_\_ йил \_\_\_\_\_

**Буюртма берувчи:** \_\_\_\_\_ банки

**Буюртмани қабул қилувчи:** Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги  
хузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараво энергияни тежаш жамгармаси

**Компенсация суммаси:** \_\_\_\_\_

**Ҳисобварақ:** \_\_\_\_\_

“Яшил” истеъмол кредити ажратилган мижозлар рўйхати илова қилинмоқда.

**Буюртма берувчи:**

\_\_\_\_\_ банки

Бошқарув раиси

\_\_\_\_\_ Ф.И.О.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 29 сентябрдаги 517-сон қарорига  
2-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси  
Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари  
Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 9 октябрдаги 640-сон  
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

**1. 2-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“бинолар ва кўп квартирали уйларда энергия самарадор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, жисмоний шахсларга тижорат банклари орқали миллий валютада ажратиладиган “яшил” истеъмол кредитларини, қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг 500 бараваридан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган ҳамда ажратилаётган кредитларнинг асосий ставкадан ошган 5 фоизлик қисмини қоплаш учун уч йил муддатга компенсация ажратиш, шу жумладан, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишини тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек, энергия аудитини ўтказиш;”.

**2. илованинг 20-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“бинолар ва кўп квартирали уйларда энергия самарадор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини жорий этган ҳолда уларнинг энергия самарадорлигини ошириш, жисмоний шахсларга тижорат банклари орқали миллий валютада ажратиладиган “яшил” истеъмол кредитларини, қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг 500 бараваридан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган ҳамда ажратилаётган кредитларнинг асосий ставкадан ошган 5 фоизлик қисмини қоплаш учун уч йил муддатга компенсация ажратиш, шу жумладан, иссиқлик ҳимоясини яхшилаш бўйича лойиҳаларнинг техник-иктисодий асосланишини тайёрлашни молиялаштириш, шунингдек, энергия аудитини ўтказиш;”.

